

Қадрли журналхон!

Юқорида вазиримизнинг Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш ходимлари кунни муносабати билан ўз касбдошларига йўллаган табригини ўқидингиз. Мазкур байрам нафақат коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси ходимларини, балки айна пайтда мамлакатимиздаги барча фуқароларнинг ҳам байрамидир. Зеро, сувсозлар ва уйсозларнинг ҳаракатлари бевосита уларга қаратилган. Бу хизматнинг ҳузурини ҳам, дардини ҳам улар тортишади.

Ҳовлингизга ичимлик суви қувури тортилган кунни эслайсизми? Хонадонингиз иссиқ суви ва иситиш тармоғига уланган кунни-чи? Қандай байрам бўлган эди, ўшанда-а! Журналимизнинг ушбу сонидаги мақолаларнинг каттагина қисми коммунал хизмати ходимининг фаолиятига бағишланади.

Қуйида мухбирларимиз ва фаолларимизнинг жойлардан тайёрлаган мақола ва фото репортажлари билан танишасиз.

ИНТИЛГАНГА ТОЛЕ ЁР

Тан олиш керакки, бундан бир неча йил аввал олис ҳудудлар у ёқда турсин вилоят марказлари аҳолисини энг кўп ўйлантирилайётган масала бу коммунал соҳаси эди.

Ана шундай бир пайтда давлатимиз томонидан одамларнинг энг муҳим ҳаётий эҳтиёжларини қондириш, обод турмуш тарзини қарор топтиришга жиддий эътибор қаратила бошлади. Соҳа ривожини учун қонун ва қонуности актлари ишлаб чиқарилди ва амалиётга татбиқ қилинди.

Шу ўринда айтиш мумкинки, ҳамма ҳам ўз уй-жойи, бошпанаси бўлишини хоҳлайди. Чиндан ҳам ўз уйинг, оиланг, фарзандларинг билан бахтли ҳаёт кечирингга нима етсин.

Вазирлигимиз тасарруфида кўп хонадонли уй-жой фондига хизмат кўрсатадиган 4,5 мингдан зиёд хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолият юритмоқда.

Ана шундай ширкатлардан бирининг фаолиятини эътиборингизга ҳавола қилмоқчимиз.

Ғазал мулкининг султони Мир Алишер Навоий ҳазратлари номи билан аталувчи шаҳарда “Ҳумо-Зилола” уй-жой мулкдорлари ширкати 2012 йилдан фаолият юритади. Ширкат раиси Озодахон Жўраева олий маълумотли, Навоий Давлат педагогика институтининг “Кимё-экология” факултетида таҳсил олган. Оилалик, уч нафар фарзанднинг онаси, коммунал соҳасидаги хизматлари учун 2017 йилда “Шухрат” медали билан тақдирланган. Ширкатга 1 608 та хонадон қарашли бўлиб, унда 5 129 нафар инсонлар истиқомат қилади.

Хўш, ўтган давр мобайнида аҳоли эътирозига сабаб бўлаётган коммунал соҳасидаги муаммолар ўз ечимини топдимми?

– Навоий шаҳрининг фарзанди сифатида ўз шаҳримга чексиз меҳр-муҳаббатимни бериб меҳнат қиламан. Мамлакат тараққиёти кўп жиҳатдан аҳолининг яшаш тарзи ва турмуш фаровонлиги билан узвий боғлиқдир.

“Ҳумо-Зилола” ХУЖМШда бошланишида 6 та кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатилган.



2018 йилда ширкат томонидан катта лойиҳадаги ишлар амалга оширилди. Масалан, Имом Ал-Бухорий кўчасидаги 6 та кўп қаватли уйларнинг канализация тизими ишламай оқова сувлар кўчага тошиб аҳоли томонидан кўплаб норозиликларга сабаб бўлаётган эди. Шу боис ширкат томонидан ушбу уйларнинг канализация тизимига янгидан қувурлар тортилди. Том қисмлари мукамал таъмирланди. Ҳар бир кўп қаватли уйларнинг кириш йўлаклари олдида гуллар экилди. Кўп қаватли уйларнинг барча фасад қисмларига замонавий тусда ранг берилди. Ер тўла қисмлари 100 фоиз пластик қувурларга алмаштирилди. Ҳар ойда аҳолига ширкат томонидан қилинган ишлар бўйича ҳисобот йиғилишлари ўтказиб борилади. Шу сабабли мулкдорлар қилинаётган ишларни кўриб, коммунал тўловларни ўз вақтида амалга ошириб боришмоқда.

Бизнинг ширкатимизга “Ипотека” банк Навоий филиалидан 50 млн. сўм имтиёзли кредит берилган бўлиб, Навоий шаҳар Амур Темур кўчаси 3-уйнинг том, ертўла, фасад, кириш йўлакларини таъмирлаш учун сарфланган. Ушбу олинган



кредитлар ўз вақтида муддатидан олдин сўндирилмоқда.

Тасарруфимиздаги Имом Ал-Бухорий кўчасида жойлашган кўп қаватли уйларда сувоқава тизими қилинмаган. 1960 йилларда қурилган ушбу уйларда ҳам шарт-шароитлар яратиш режаларимиз бор.

Шаҳримиз тоза-озода, энди кўп қаватли уй ҳовлиларини мевали ва манзарали дарахтлар билан, чиройли гуллар билан янада гўзал қилмоқчимиз. Хуллас қиладиган ишларимиз бисёр.

Ширкатимизда ўз ишига фидойилар ҳам кўп. Улар Шоҳида Жумаева, Сарвиноз Шодиева, Бекзод Одиллов, Шавкат Ҳамидов, Носимжон Облокуловлардир.

Шахсий ҳаётимизга келсак турмуш ўртоғим Зафар Жўраев билан 3 нафар ўғилни тарбиялаб ўстиряпмиз. Тўнғичим Жаҳонгир хорижда таҳсил олмоқда. Жавлонбек ва Жўрабеклар мактаб ўқувчилари. Келажақда ўғилларим ватанимизга хизмат қиладиган, халқимизга керакли мутахассислар бўлишини жуда хоҳлайман...

Озодаҳоннинг юракдан тўлиб-тошиб гапириш, қилган ишларини кўриб, ундаги барчага бирдек бўла оладиган хислатлари, шу билан бирга оиласига, фарзандларига, она ватанига бўлган меҳру муҳаббати бизда у ҳақда юртдошларимизга сўзлаб бериш ва ўрناк қилиб кўрсатиш мақсадини уйғотган эди. Биз мақсадимизга эришдик деб ўйлаймиз.

Ш.РАДЖАБОВ тайёрлади.